

ЎҚУРМАТЛИ «О'ЗСУВЛОҲИНА» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АКЦИЯДОРЛАРИ!

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси 1а-уй, манзилида жойлашган, «О'ЗСУВЛОҲИНА» акциядорлик жамияти, **2023 йил 23 июнь** куни соат **10:00** минутда Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси 1а-уй, манзилида акциядорлик жамиятимиз акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида маълум қилади.

Йиллик умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қиламиз:

1. Жамият бошқаруви бўйича Кузатув кенгашининг 2022 йилдаги ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2022 йилги бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши, 2016-2030 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясида белгиланган кўрсаткичларга эришиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботи. «О'ЗСУВЛОҲИНА» АЖ йиллик ҳисоботини 1-чи иловага кўра тасдиқлаш.
3. «О'ЗСУВЛОҲИНА» АЖнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ташқи аудиторнинг хулосасини эшитиш.
4. «НАЗОРАТ-AUDIT» МЧЖнинг 2022 йил яқуни бўйича «О'ЗСУВЛОҲИНА» АЖ ижроия органи фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари ва интеграл коэффицентини ҳисоблаш бўйича аудиторлик текшируви ҳисоботини эшитиш.
5. «О'ЗСУВЛОҲИНА» АЖнинг 2022 йилдаги корпоратив бошқарув тизимининг даражасини баҳолаш натижалари тўғрисида «Winvestment Consult» маъсулияти чекланган жамиятининг хулосасини эшитиш.
6. 2022 йил яқуни бўйича жамиятнинг соф фойдасини тақсимлашни тасдиқлаш.
7. «О'ЗСУВЛОҲИНА» АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
8. Жамиятнинг аффилиланган шахслар билан келажакда жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти давомида, акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда амалга оширилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш.
9. Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимлар рўйхатини тасдиқлаш.
10. «О'ЗСУВЛОҲИНА» АЖнинг 2023 йил яқунлари бўйича мажбурий йиллик аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини унинг хизматлари учун тўловнинг энг юқори миқдорини аниқлаш билан тасдиқлаш.

Йиллик умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати **2023 йил «19» июнь** ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан тузилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш **2023 йил « 23 » июнь** куни соат соат 9:00 минутда бошланиб соат 9:55 минутгача давом этади.

Умумий йиғилишга тайёргарлик даврида акциядорлар кун тартибидаги масалалар бўйича маълумотлар (материаллар) билан ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) 9.00 дан 17.00 гача Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси 1а-уй, манзилида жойлашган «О'ЗСУВЛОҲИНА» АЖ жамияти маъмурий биносининг 2-қаватида танишишлари мумкин. Контакт телефон рақамлари: (71) 241-78-56; (71) 241-48-30.

Акциядорлар умумий йиғилишда қоғоз бюллетенлар орқали овоз беришни амалга оширадилар.

Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ўзи билан паспорт, акциядорлар вакиллари эса – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома (жисмоний шахслар учун – нотариал тасдиқланган, юридик шахслар учун – ушбу юридик шахс томонидан берилган) билан келишлари сўралади.

«О'ЗСУВЛОҲИНА» АЖ Кузатув кенгаши